

МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ПРЕДМЕТИНИНГ ЎРНИ

Д. Б. Торешов

Қорақалпоқ Давлат Университети

Аннотация:

Мутахассис тайёрлашда, компьютер графикасига талабалар қизиқишини орттириш мақсадиди дарсдан ташқари факультатив машғулотлар ташкил этиб, уларга турли хил кичик лойиҳалар вазифа сифатида бериб, мустақил бажаришларига шароит яратиб бериш керак.

Калит сўзлар: Компьютер графикаси, методик, техник воситалар, услубий талим.

Замонавий информатик технологияларни жадал ривожланиши ўқувчи талабаларга ҳам ўзига хос талабларни бажаришни, юқори малакада ўзлаштиришни, ўзлаштирилган билимларни ҳаётда ва ишлаб чиқаришда тадбиқ қилишга ундамоқда.

Ҳозирги кунда компьютер графикасидан фойдаланиш инсон фаолиятини турли соҳаларда кенг қолланилмоқда. Айниқса, архитектура, дизайн, йўл қурилиши, реклама, компьютер ўйинлари ва ўргатувчи дастурларни яратишда, шу билан бирга компьютер графикасидан фойдаланишнинг янги соҳалари пайдо бўлиши, бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун янги методик ва педагогик усуллар яратиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун компьютер графикаси предметини ўрганишни янги сифат даражасига олиб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Ўқув жараёнида компьютер графикасидан фойдаланиш натижасида ахборотни қабул қилиш тезлиги ва тушиш даражасини ошириш билан бирга, талабанинг тасаввур қилиш имконияти ривожланади. Шунингдек, тасвирдаги ранглар уйғунлиги инсонни фикр ва ҳиссиётларига ижобий таъсир этиб тасаввурни бошқариб туриши таълим олишга ва психологиясига сезиларли таъсир этади. Тасвирдаги тўғри талланган рангларнинг чуқирлиги, қуйиқлиги ва тони инсон психологиясига ижобий таъсир ўтказади. Бошқа санъат турлари каби графика ҳам уйғунлик нуқтай назарига кўра инсонни фаоллаштириши ёки бўшаштириши, асобийликни олдини олиш ва фикрларни жамлаб ижодий фикрлашга ундайди.

Юқаридаги жиҳатлар долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, илмий – методик нуқтай назаридан қуйидагиларни ҳисобга олиш даркор:

- таълим марказларида таълабаларга компьютер графикаси предметини ўқитиш усуллари қайта кўриб чиқиш;
- компьютер графикаси предметини ўқитиш янги усуллари ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- компьютер графикаси предметини талабалар чуқур ўрганишлари учун педагогик, илмий ва техник воситалар ёрдамида турли шарт-шароитлар ёратиш;
- ҳозирги кунда рақобатдош мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган компьютер графикаси предметини ўқитиш учун ўқув – услубий талим яратиш.

Компьютер графикаси предметини ўқитиш натижасида талабаларда таълим ва тарбия, ижодий фаолият, санъат намуналарини тушуниш ва қабул қилиш қобилиятларини ривожлантириш мужассамлаштирилган ҳолда ташкил этилиши керак.

Ҳозирги таълим стандартларида ўқитиш натижаларини баҳолашнинг янги шакиллари яратишда «биламан ва бажара оламан» негизидан «биламан, бажара оламан ва амалда қўллай оламан» нуқтай назарига ўтилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олинган билимларни амалда қўллай олиш, масаланимасалани Кўйиш ва ешишда мустақил фикрга эга бўлиш, жавобгарликни ўз бўйнига олган ҳолда, пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этиш-«омилкорлик» тушунчаси асосини ташкил этади. Бугунги кунда талабаларга шакиллантирилган омилкорликнинг зарурий хусусиятларини пайдо қилиш керак.

Компьютер графикаси предметини ўқитишнинг асосий муаммоларидан бири ўзбек тилида ёзилган мукамал ўқув дарсликлари ва қўлланмаларининг етарли етишмаслиги.

Талабаларга бу предметни ўрганишга бўлган қизиқиш ёқори бўлсада, амалда мураккаб ва катта ҳажмли ахборотни ўрганишга тайёр эмаслар. Компьютер графикасида ишлаш, аслини олганда, машаққатли меҳнат ва чуқур фикрлашга асосланган.

Кийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмаларига эга бўлмаган кўп талабалар бундай машаққатли меҳнатга дуч келгаш, аввалги қизиқишлари сунади. Шунинг учун уларнинг камчиликларини тўғри тушунтириш ва эришаётган натижалари учун руҳлантиб туриш керак.

Талабаларга амалӣ дастурлар ёрдамида тасвирларни яратиш ва қайта ишлаш кўникмаларини амалӣ ва назарий жиҳатдан шакиллантириш компьютер графикаси предметининг ўқитишни асосий мақсад ҳисобланади.

Бунинг учун талабалар:

- компьютер графикасини назарий асосларини эгаллаган бўлиши;
- компьютер графикаси алгоритмларининг ишлаш усулларива принциплари билан танишиши;
- керакли график муҳарирлар ва нашриёт системаларида ишлашни ўрганиш;
- компьютер дизайни асосларини эгаллаши;
- компьютер графикасида қўлланиладиган соҳаларни аниқлаш ва уларда қайси график муҳарирлардан фойдаланишни кераклигини ажрата олиш;
- график муҳарирлари иш қуролларидан унумли ва тўғри фойдаланиши;
- график тасвирларни визуаллаштириш масалаларини мустақил равишда Кўйиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Талабалар қизиқишини орттириш мақсадиди дарсдан ташқари факультатив машғулотлар ташкил этиб, уларга турли хил кичик лойиҳалар вазифа сифатида бериб, мустақил бажаришларига шароит яратиб бериш керак.

Компьютер графикасига қизиқиши ортган талаба ўқиш жараёнида бошқа фанларга ижобий ёндашади ва келажакда ўз соҳасининг ётук мутахассиси бўлиб, олган билимларини амалда қўллаган ҳолда, халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожланишига ўз ҳиссасини қушади.

Адабиётлар:

1. Т.Рихсибоев, «Компьютер графикаси» (Ўқув қўлланма), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Жамғарма» нашриёти, 2006.
2. А.А.Кузнецов, К.К.Хеннер, В.П.Имаков и др. Информационно-коммуникационная компетентность современного учителя // Информатика и образование. 2010. №4.
3. И.В.Роберт, В.А.Поляков, Основные направления научных исследований в области информатизации профессионального образования. М.: Изд-во «Образование и информатика», 2004.